



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

МЕҲНАТ БОЗОРИ ШАРҲИ

III чорак 2025 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти
томонидан тайёрланди

Резюме

2025 йилнинг III чорагида меҳнат бозорида бизнес субъектлари томонидан таклиф этилаётган бўш иш ўринлари сонининг барқарор ўсиши давом этди. Ушбу давр оралиғида иш қидириш фаоллиги бироз пасайган бўлса-да, фаол меҳнат аризалари (резюмеелар) сони юқориликча сақланиб қолиши кузатилди.

Иқтисодий фаоллик бўйича сўровнома натижаларида III чорақда иш ўринлари сонини оширишни кутаётган тадбиркорлар билан бир қаторда иш ўринлари сонини қисқартирилишини билдираётганлар улуши ҳам ўсганлиги қайд этилди.

Мазкур чорақ давомида ҳам мамлакат иқтисодиётида кенгайиш давом этди. Бунда, меҳнат бозорида босимнинг кучайиши, яъни ишсизликнинг пасайиши билан бир вақтда ишчи кучига бўлган талабнинг ортиб бориши кузатилди.

III чорақда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши ҳамда инфляциянинг нисбатан пастроқ кузатилиши фонида номинал ва реал иш ҳақи ўсиш суръатлари *(шу жумладан қўшни давлатларга нисбатан ҳам)* юқори шаклланди.

Шунингдек, меҳнат муҳожирлари томонидан Ўзбекистонга пул ўтказмалари ўсиш суръати юқори сақланиб қолди ҳамда меҳнат миграцияси йўналишларининг *(асосан Осиё, Европа ва АҚШ минтақалари ҳисобида)* кенгайиши давом этди.

Меҳнат бозори шарҳи


Меҳнат ресурслари

2025 йилнинг III чорагида меҳнат бозорида таклиф этилаётган бўш иш ўринлари сонининг барқарор ўсиши давом этди. Хусусан, очиқ манбалар маълумотларига¹ кўра, III чорада бизнес субъектлари томонидан ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 фоизга кўп иш ўринлари эълон қилиниб, уларнинг салмоқли қисми савдо (17,9%), умумий овқатланиш (17,1%) ва ишлаб чиқариш (17,0%) тармоқлари ҳиссасига тўғри келди (1-расм).

Муқобил манбалар июль-сентябрь ойларида иш қидириш фаоллиги бироз пасайганлигини, бироқ фаол меҳнат аризалари (резюмелар) сони юқориликча сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда². Бунда савдо, мижозларга хизмат кўрсатиш, уй хизматчиси, маркетинг ва реклама соҳаларида резюмелар сони сезиларли ошган.


Шу билан бирга, сўнгги ойлarda кузатилган онлайн иш қидириш фаоллиги динамикасининг мавсумий ўсиш тенденцияси сентябрь ойига келиб пасайишга ўтди (2-расм).

1-расм. Эълон қилинаётган бўш иш ўринлари сони, мингта



Манба: Марказий банкнинг очиқ маълумотларга асосланган ҳисоб-китоблари.

2-расм. Иш қидириш бўйича сўровлар сонининг нисбий динамикаси индекси



Манба: Google Trends маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

¹ Веб-скрапинг (web scraping) ёрдамида www.olx.uz сайтида эълон қилинган иш ўринлари бўйича олинган маълумотлар таҳлили.

² <https://alat.hh.uz/article/34023>.

2025 йилнинг III чорагида тадбиркорлик субъектлари томонидан иш ўринлари таклифининг сезиларли ўсиши ҳамда иш ўринларига бўлган талабнинг юқори сақланиб қолиши меҳнат бозорида фаолликнинг юқори шаклланаётганлигини акс эттиради. Бу эса қисқа муддатли оралиқда иқтисодий ўсишнинг жонланиши ва талабнинг ошиши орқали инфляция босимнинг сақланиб қолишини кўрсатади.


Марказий банк томонидан ўтказилган иқтисодий фаоллик бўйича сўровнома натижалари июль-август ойларида иш ўринлари сонини оширишни кутаётган респондентлар улуши ўсганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ушбу давр давомида ўртача 33,9 фоиз (II чорақда 30,2 фоиз бўлган) тадбиркорлар келгуси уч ойда иш ўринлари сонини оширишни билдиришган. Бироқ сентябрь ойига келиб иш ўринлари сонини оширишни кутаётган тадбиркорлар улушининг мавсумий пасайиши кузатилди (30,8 фоизгача пасайган, 3.а-расм).

Шу билан бир қаторда, иш ўринлари сонини қисқартирилишини билдирган тадбиркорлар улуши ҳам II чорақдаги ўртача 8,7 фоиздан III чорақда 12,7 фоизгача ошди. Бунда асосан қурилиш соҳасида фаолият юритувчи респондентларнинг 16,4 фоизи (ўтган йилнинг мос даврида 11,7 фоиз бўлган), савдо соҳасидагиларнинг эса 25,6 (3,8 фоиз бўлган) фоизи иш ўринларини қисқартиришларини билдиришган (3.б-расм).

3-расм. Иш ўринлари сонининг ўзгариши бўйича корхоналар кутилмалари, фоизда

а) Умумий (2025 йил, ойлик)

б) Соҳалар кесимида (чорақлик)




Манба: Марказий банк.

Меҳнат бозорида ушбу динамикаларнинг шаклланиши келгуси чорақларда бизнес субъектлари талабнинг жорий даражада шаклланишини кутаётганлигидан далолат бериб, шунга мос равишда ишчи кучини ўзгартиришни режалаштираётганликларини кўрсатади. Натижада, келгуси чорақларда иқтисодий ўсишнинг барқарорлашуви, ишсизлик даражаси ҳамда талаб томондан нархларга босимнинг мўтадиллашуви кузатилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар сонига сўнги йилларда кузатилган юқори ўсиш суръатлари, 2025 йилнинг III чорагига келиб сезиларли пасайди. Хусусан, ЯТТлар сони 2025 йил 1 сентябрь ҳолатига 1 июлга нисбатан 4,8 фоизга пасайиб 282 минг нафарни ташкил этди. Ўзини-ўзи банд қилган шахслар сони эса июнь ойига келиб 5,5 миллион нафарга етди (4-расм).


Марказий банк ўрганишлари 2025 йил III чорагига ҳам мамлакат иқтисодиётида кенгайиш давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Айниқса, ушбу ҳолат 2025 йилнинг II ва III чорақларида яққол намоён бўлган (5-расмда Ўзбекистон бўйича Бевериж эгри чизиғи чапга вертикал силжиган). Бунда меҳнат бозорида босимнинг кучайиши, яъни ишсизликнинг пасайиши билан бир вақтда ишчи кучига бўлган талабнинг ортиб бориши кузатилган.

4-расм. Ўзини-ўзи банд қилганлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони, минг киши



Манба: Солиқ қўмитаси.
* 2025 йил январь-июнь ҳолатига

5-расм. Ўзбекистон бўйича Бевериж эгри чизиғи, фоизда



Манба: Миллий статистика қўмитаси, КҚБВ ва очиқ манбалар маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Маълумот учун: Бевериж эгри чизиғи ишсизлик ва бўш иш ўринлари даражаси ўртасидаги боғлиқликни акс эттириб, меҳнат бозори ҳолати ва иқтисодиёт барқарорлиги бўйича муҳим маълумотларни тақдим этади. Жумладан: 1) Бевериж эгри чизиғининг чап томон пастга силжиши меҳнат бозори самарадорлиги ошганини билдиради; 2) эгри чизиқнинг ўнг томон юқорига силжиши меҳнат бозори самарадорлиги пасайганлигидан далолат беради; 3) эгри чизиқнинг чапга вертикал силжиши иқтисодиёт кенгайиш босқичига кираётганлигини, ўнгга вертикал силжиши эса иқтисодиёт таназзул (рецессия) босқичига ўтаётганлигини англатади.

Иш ҳақи динамикаси


2025 йилнинг III чорагида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи оширилиши ҳамда инфляциянинг нисбатан пастроқ кузатилиши фонида номинал ва реал иш ҳақи ўсиш суръатларининг юқори шаклланиши кузатилди. Хусусан ўтган 9 ой давомида номинал иш ҳақи йиллик 19,2 фоизга ўсган бўлса, реал иш ҳақи ўсиш суръати³ 9,1 фоизни ташкил этди (6-расм). Бунда ўртача ойлик иш ҳақи қарийб 6,2 млн сўмга тенг бўлди.

Соҳалар кесимида, молия ва суғурта ҳамда ахборот ва коммуникация хизматлари йўналишларида ўртача иш ҳақининг бошқа соҳаларга нисбатан юқори шаклланиши сақланиб қолди (мос равишда 16,8 ва 15,0 млн. сўм). Шу билан бирга, III чорак давомида ижтимоий хизматлар, ташиш ва сақлаш ҳамда бошқа йўналишларда фаолият юритувчи ходимларнинг иш ҳақиси қолган тармоқларда фаолият юритувчиларникига нисбатан реал ва номинал қийматларда юқорироқ ўсди. Иш ҳақининг энг кам ўсиши қурилиш соҳасида сақланиб қолди, ушбу соҳада фаолият юритувчи ходимларнинг ўртача иш ҳақи номинал қийматда йиллик 9,2 фоизга ошган бўлса, реал қийматда 0,1 фоизга камайди (7-расм).


Ҳудудлар кесимида, 2025 йилнинг ўтган 9 оyi давомида реал иш ҳақининг энг юқори ўсиши Самарқанд (14,6 фоиз), Сирдарё (11,1 фоиз) ва Наманган вилоятларида (10,9 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст ўсиш Андижон (2,9 фоиз) ва Навоий (5,9 фоиз) вилоятлари хиссасига тўғри келди (8-расм).

³ Таъкидлаш жоизки, бюджет ташкилотлари учун иш ҳақининг оширилиши ва инфляциянинг нисбатан пастроқ кузатилиши Ўзбекистонда реал иш ҳақининг қўшни давлатларга нисбатан сезиларли даражада юқорироқ шаклланишига ҳисса қўшди (батафсил 1-ҳаволада).

6-расм. Иқтисодиётда иш ҳақининг ўсиш суръати, фоиз




7-расм. Айрим тармоқларда ўртача иш ҳақи, млн сўмда



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

8-расм. Худудларда реал иш ҳақининг ўсиши, фоизда



Манба: Миллий статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Реал иш ҳақи ўсишидаги ҳудудий фарқлар иқтисодий фаоллик ва ишчи кучига бўлган талабнинг ҳудудлар кесимидаги турли даражаларини акс эттиради. Айрим ҳудудларда иш ҳақининг юқориқ ўсиши мазкур ҳудудларда меҳнат бозорининг фаоллиги, ишчи кучига бўлган талабнинг баландроқ кузатилаётганлигидан далолат бериб, уй-хўжаликлари истеъмол харажатларини юқориқ шаклланишига олиб келиши мумкин.

Бу, ўз навбатида, ҳудудий иқтисодий ўсишни қўллаб қувватлаши, бироқ агар иш ҳақи ўсиши ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсишидан юқорироқ шакланса талаб томондан инфляция босимнинг ошиши кузатилиши мумкин.


1-ҳавола.

Қўшни давлатларда иш ҳақи динамикаси шаклланиши


2025 йилнинг III чорагида Ўзбекистонда реал иш ҳақининг ўсиши минтақадаги давлатлар билан солиштирганда сезиларли даражада юқори шакланди. Хусусан, III чорақда Марказий Осиё давлатларида реал иш ҳақининг ўртача ўсиши 4,4 фоизни, айрим Кавказ давлатларини ҳисобга олганда эса 3,3 фоизни ташкил этди (*ушбу даврда Ўзбекистонда реал иш ҳақи ўсиши 9,1 фоизга тенг бўлган, 1-расм*).

Шунингдек, 2025 йилнинг III чорагида Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 103 АҚШ долларини ташкил этди⁴ (*2-расм*). Энг юқори минимал иш ҳақи миқдори Беларусия (*240 АҚШ доллари*), Озарбайжон (*235 АҚШ доллари*) ва Монголия (*221 АҚШ доллари*) давлатларида сақланиб қолган бўлса, энг паст минимал иш ҳақи Қирғизистон (*28 АҚШ доллари*) ва Тожикистон (*55 АҚШ доллари*) давлатларида кузатилди.

1-расм. Минтақада реал иш ҳақи ўсиш суръати тенденцияси, йиллик фоиз



2-расм. 2025 йил III чорақда айрим давлатларда амалдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, АҚШ долларида



Манба: Марказий банк, Миллий статистика қўмитаси ва СЕІС маълумотлари асосида Марказий банк ҳисобкитоблари.

* Марказий Осиё ва Кавказ: Қозоғистон, Монголия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари.

** Марказий Осиё: Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари.

⁴ Сўнги даврларда кузатилган сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрининг сезиларли ошиши меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг АҚШ доллари эквивалентидаги қийматини юқорироқ шаклланишига хизмат қилди. Натижада бу Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори Грузия давлатидагидан ҳам юқорироқ шаклланишига олиб келди.


Пул ўтказмалари динамикаси ва меҳнат муҳожирлари оқими

2025 йилнинг учинчи чорагида меҳнат муҳожирлари томонидан Ўзбекистонга жами 5,7 млрд. доллар миқдорида пул ўтказмалари амалга оширилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,5 фоизга ўсди (2024 йилнинг мос даврида 4,8 млрд, 9-расм). Жорий динамиканинг шаклланиши асосан меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи мамлакатларда валюта курсларининг нисбатан барқарорлиги, иш ҳақининг ошиши ва иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари билан боғлиқ.


III чорақда Болтиқ давлатлари ва бошқа минтақалардан (АҚШ, Россия, Европа ва Осиё минтақаларини ҳисобга олмаганда) ўтказмалар ҳажми ўсиш суръати қолган минтақаларга нисбатан юқорироқ сақланиб қолди. Хусусан, мазкур минтақалардан пул ўтказмалари 40 фоизга ўсди (10-расм).

Шу билан бирга, Европа, Россия ва Осиё минтақаларидан эса ўтказмалар ўсиш суръатининг секинлашиш тенденцияси давом этди.

9-расм. Пул ўтказмалари динамикаси, млрд долл.



10-расм. Айрим минтақалардан пул ўтказмалари ўсиш суръатининг ўзгариши, йиллик, фоизда



Манба: Марказий банк ҳисоб-китоблари.


Изоҳ: **Болтиқ давлатлари минтақаси** Латвия, Литва ва Эстония давлатларини, **Европа минтақаси** Буюк Британия, Швеция, Польша, Германия, Нидерландия, Финландия, Испания, Чехия, Грузия, Франция ва Хорватия давлатларини ҳамда **Осиё минтақаси** Қозоғистон, Жанубий Корея, Туркия, Исроил, Қирғизистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Тожикистон, Кипр ва Япония давлатларини ўз ичига олади.

Ташқи бозорда, хусусан Россия, Европа ва Болтиқ давлатларида⁵ кузатилаётган сўнги тенденциялар ҳамда ишчи кучига бўлган талабнинг ўсиши пул ўтказмаларидаги жорий динамиканинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этган. Бу, ўз навбатида, меҳнат муҳожирлари оқими йўналишлари босқичма-босқич кенгайётганлигидан далолат беради.

Сўнги йилларда миграция йўналишлари кенгайиши асосан Осиё, Европа ва АҚШ мамлакатларида кузатилмоқда. Хусусан, 2025 йил 1 октябрь ҳолатига Корея Республикасидаги Ўзбекистонлик резидентлар сони йил бошига нисбатан 0,4 фоизга ўсиб, 95,3 мингтани ташкил этди (11-расм).

Туркияда кузатилаётган макроиқтисодий вазиятнинг босқичма-босқич барқарорлашуви шароитида ушбу давлатга миграция оқимининг юқори сақланиб қолиши кузатилмоқда. Буни Ўзбекистон фуқаролари учун ушбу давлатда берилаётган яшаш рухсатномалари сони ҳамда доимий бўлмаган мигрантлар оқимининг ошиб бораётганлигидан ҳам кўриш мумкин (12-расм).

11-расм. Корея Республикасида Ўзбекистон резидентлари сони, минг киши, фоизда



Манба: Корея иммиграция хизмати.


12-расм. Ўзбекистон фуқаролари учун Туркияда яшаш рухсатномалари ва доимий бўлмаган миграция, минг



Манба: Туркия миграция бошқармаси.

⁵ Украина-Россия можароси, шу жумладан санкциялар сабабли Россияда кузатилаётган сўнги тенденциялар, Европа давлатларида ишчи кучига бўлган талабнинг сақланиб қолиши, уларнинг Марказий Осиё минтақаси билан ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини кучайиши, Болтиқ давлатлари ва бошқа давлатларда кузатилаётган сўнги тенденциялар жорий динамиканинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.


13-расм. Миграция агентлиги орқали хорижда ишга жойлашган фуқаролар сони, мингта



Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги

Изоҳ: **Болтиқ давлатлари минтақаси** Латвия, Литва ва Эстония давлатларини, **Европа минтақаси** Буюк Британия, Германия, Полша, Болгария, Белоруссия, Хорватия, Словакия ва Черногория давлатларини ҳамда **Осиё минтақаси** Туркия, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари Қатар ва бошқа давлатларини ўз ичига олади.

14-расм. АҚШда Ўзбекистонликлар сони ва тақдим этилган визалар, мингта



Манба: АҚШ Давлат Департаменти Консуллик Ишлари Бюроси ва АҚШ Миграция сиёсати институти.

Изоҳ: Умумий Ўзбекистонликлар сони ўз ичига АҚШда истиқомат қилувчи Ўзбекистонликлар, жумладан фуқароликни олган шахслар, қонуний доимий яшовчилар, айрим қонуний иммигрант бўлмаганлар (масалан, талаба ёки ишчи визаси билан келган шахслар), қочқин ёки бошпана мақоми билан қабул қилинганлар ва АҚШда ноқонуний яшовчи шахслар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги маълумотларига кўра сўнгги икки йилда хорижда ишга жойлаштирилган фуқаролар сони ҳам сезиларли ўсган. Хусусан, 2025 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида 175 мингга яқин меҳнат муҳожирлари хорижга ишга жойлаштириш мақсадида юборилган.

Таъкидлаш жоизки, Миграция агентлиги орқали Осиё ва Европага юборилган мигрантлар сони сезиларли ошган бўлса-да, меҳнат миграциясининг асосий йўналиши Россия бўлиб қолмоқда (13-расм).

Шунингдек, сўнгги йилларда АҚШда истиқомат қилувчи Ўзбекистонликлар сонининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда. АҚШ Миграция сиёсати институти ҳисоб-китобларига кўра 2024 йилда АҚШдаги Ўзбекистонликлар сони 2023 йилга нисбатан 8,8 фоизга ўсиб, қарийб 82 минг нафарни ташкил этган.

Ўз навбатида, ушбу даврда АҚШ томонидан тақдим этилган жами визалар сони 4,4 фоизга, Грин карта (Diversity Visa Program) дастури ва АҚШ компанияларининг ишчи жалб қилиш дастурлари доирасида тақдим этилган визалар сони 17,3 фоизга ўсди (14-расм).

Умуман олган, ташқи бозорларда, айниқса мигрантларнинг салмоқли қисми фаолият юритувчи давлатларда кузатилаётган сўнгги тенденциялар ва бошқа давлатларда меҳнат муҳожирларига бўлган талабнинг ўсиши ҳамда муҳожирлар танловининг ўзгариб бориши меҳнат миграцияси йўналишларининг сезиларли кенгайишига олиб келмоқда.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2025 йил

Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди.

Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:

E-mail: sinogamov@cbu.uz

Тел.: (+998) 71 212-60-22